


Туркистон Тонги



www.turkistontongi.com | e-mail: gazeta@turkistontongi.com

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

Биз аборигенлар эмасмиз...

Яқинда бир неча минг канадалик хиндулар Канададан АҚШ га ўтадиган катта автомагистрални беркитиб қўйдилар. Детройт дарёси устига қурилган “Амбассадор” кўприги айнан ана шу икки мамлакат чегарасида бўлгани учун хиндулар уни ишғол қилди ва транспортларни қўшни мамлакатга ўтказмай қўйди.

Шу пайтнинг ўзида Виннипег яқинидаги АҚШга ўтадиган Мирамичи кўприги ҳам иккинчи бир гуруҳ хинду намоёнчилари томонидан тўсиб қўйилди. “Хукумат шартларимизга кўнмагунча, талабларимизни бажармагунча мамлакатнинг барча муҳим транспорт йўлларини бекитиб тураемиз”, дейди маҳаллий хинду қабилаларининг йўлбошчиларидан бири.

Ҳа, кейинги пайтларда Канаданинг туб аҳолиси ҳисобланадиган 1,3 миллионга яқин аборигенлар бутунлай қалқиган. Улар мамлакатнинг барча провинцияларида ҳукумат сиёсатига қарши йирик намоёншлар ўтказмоқдалар. Уларнинг асосий мақсади хиндулар яшайдиган резервациялардаги яшаш шароитни яхшилаш, улар тўп бўлиб яшайдиган ҳудудларда нормал экологик вазият яратиш ва ичимлик суви муаммосидир.

Канада ҳудудларида яшаётган юзлаб хинду қабилалари вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда бугун Стивен Ҳарпер ҳукуматини доводиратиб қўйдилар, транспорт артерияларининг бекилиши ортидан мамлакат иқтисоди жуда катта зарар кўриши аниқ бўлиб бомоқда. Натижада ҳукумат аборигенларга ён босишга ва уларнинг барча талабларини бажаришга чоғланмоқда...

Туб ерли аҳоли яшайдиган резервациялардаги вазиятни яхшилаш учун бугун Оттавадаги ҳукумат қўшимча тарзда 331 миллион доллар ажратганини эълон қилганига қарамай ҳали бери мамлакатдаги вазият изга тушгани йўқ, намоёншлар давом этмоқда...

Уйда қишининг шу совок кунларида на газ ва электр йўқлигига қарамай “минг йиллик тарихимиз бор, дунё цивилизациясининг бешигимиз” деб мақтаниб юрвучи ўзбеклар ўзларича “ярим ёввойи одамлар” деб биладиган бу аборигенларнинг бундай сиёсий фаоллиги ва ҳамжиҳатлигини кўришса нима дейишаркан?

Қоплонбек

«Кўринмас одам» кийими ихтиро қилинди

Яқинда Канадада шундай бир мато яратилдики уни кийган одам умуман кўринмас экан. Бу ҳақда куни- кеча маълумот тарқатган Канаданинг «Hyperstealth Biotechnology Corp.» компанияси «кўринмас одам» кийимини ишлаб- чиқариш технологияси бутунлай сир тугилишини ҳам билдирмоқда. Уни устига бу мато фақат ҳарбий- мудофаа мақсадларида яратилганлиги ҳам таъкидланмоқда.

Quantum Stealth» деб ном берилган ушбу матодан тикилган халат (плаш)га ўранган ҳар қандай одамни ҳатто тунда кўрадиган махсус кўриш ускунасида ҳам илғаб бўлмас экан. АҚШ ва Канада юқори лавозимли ҳарбийлари иштирокида ўтказилган «кўринмас одам кийими» тақдироти ҳақидаги хабар шунинг учун ҳам катта шов-шувларга сабаб бўлди.

Энг юқори технологиялар асосида ишлаб- чиқарилиши бошланган «кўринмас одам» матоси афсуски очик савдода йўқ. Агар бўлганида ўзбек муҳолифатчиларига у жуда асқотарди. Чунки бугунги Ўзбекистонда ҳар бирта муҳолифатчининг орқасидан доимо махсус қўйилган кишилар кузатиб юришади. Бирор бир сиёсий тадбирга боришнинг сира иложи йўқ.

Агар шу матодан бизда бўлганида борми, ундан қилинган чопонни секин елкага ташлаб, ташқарида бизни пойлаб турган миршабнинг ёнидан аста кўринмасдан ўтиб олиб, тўғри Олой бозоридаги «ОШ»га борармидик...

Интернетдан

Хижратда ватан ёди:

Туркиялик олим ва ёзувчи
Чигатой Кўчар билан суҳбат.

Чигатой Кўчар 1946 йилда Туркистонда таваллуд топган.

У 1952 йилда оиласи билан Туркияга хижрат қилган.

Истанбул Университети Иқтисод Факултети Газетчилик Институтини ҳамда Адабиёт факултети социология бўлимини тугатган.

Чигатой Кўчар Озодлик радиоси Олмониянинг Мюнхен шаҳридан фаолият қилган пайти Ўзбек бўлимида 21 йил ишлаган.

У – Туркистон тарихи, адабиёти ва тилларига доир қатор илмий нашрлар муаллифи.

Ёзувчининг “Türkistan ile İlgili Makaleler” номли китоби Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси томонидан 1994 йилда муқофотланган.

Ўзбек ёзувчиси Набижон Боқийнинг “Анвар Пошшонинг васияти” китобини туркчага ўгирган.

Чигатой Кўчар ўз отаси Абдулхамид Кўчарнинг Ўзбекистон (Туркистон) дан бош олиб чиқиш тарихи ҳақида “ Асоратдан Хурриятга ва ё бир туркистонлик хотиралари” номли асарига хикоя қилади.

Айни вақтда олим ва ёзувчи Туркистон легиони ҳақида тадқиқотларини давом эттирмоқда.

Суҳбат матни

Би-би-си: Суҳбатимизни ўзингиздан бошласак. Хижрат йўли сизга отангиздан мерос, у киши бу йўлни танлашларига сабаб нима бўлган?

Чигатой Кўчар: Отам мамлакатни болшевиклар босиб олганидан кейин тарк этишга мажбур бўлганлар. 1917 йилда Кўкон, Туркистон мухторияти барпо этилди. Афсуски, Ленин берган ваъдасида турмади ва мухториятни конли равишда босгирди. Ватандаги истиқлолчилар ва мужоҳидларимизни

давоми 7-бетда

Турклар кашф этган Америка...

Кўплаб тарихий манбааларда ва шу жумладан кўплаб тарих фани дарсликларида “Американи Христофор Колумб очган” деб, алоҳида ёзиб қўйилганига қарамай, “Янги дунё” деб аталмиш бу қитъани аслида ким биринчи бўлиб очгани ҳақида янги-янги далиллар келтирилмоқда ва бахслар бўлмоқда. Чунки бугунги одамзот ақлини қанча пешлаб олдинга боравермасин барибир хали бу дунёнинг ечилмаган муаммолар-ю, тагига етилмаган сир- синоатлари жуда кўп.

Христофор Колумб 1492-йили ўзининг “Санта Мария” кемасида Атлантика уммонини сузиб ўтиб Америка қитъасига яқин Багам ороларини топганида, “Ҳиндисонни топдим” деб тахмин қилганини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни инсоният тарихидаги энг улкан кашфиётлардан бири деб тан оламиз.



Аmmo шунга қарамай скандинавиялик жасур денгизчи викинглар вакили, Гренландиянинг ўша пайтдаги ҳокими –Лейф Эриксоннинг Христофор Колумбдан беш аср илгариёқ (XI –асрда) Шимолий Америка қирғоқларига ўз кемаларида сузиб борганини ва ўз командаси билан ушбу курукликни ўн йиллар давомида ўрганганини ҳам ҳозирги фан ва археологик тадқиқотлар аллақачон тўлақонли исботлаб бергани ҳам рост.

Бир пайтлар мени жуда ҳайратга солган нарса турк адмиралы Пири

давоми 3-бетда

Ушбу қишлоқ
хўжалиги
сонда: ислоҳотга

Албатта
ўқинг!

» 2-БЕТДА

«КУЧСИЗЛАРНИНГ
КУЧИ» ЭССЕСИДАН
ПАРЧАЛАР

» 3-БЕТДА

Жинни
бўлиш
осонми?

» 4-БЕТДА

МАРДИКОРЧИ-
ЛИКНИНГ ҚАТТИҚ
НОНИ

» 5-БЕТДА

ҚУЁШ БАТАРЕЯСИ
ЎРНАТМОҚЧИМИСИЗ?

» 8-БЕТДА

Қишлоқ хўжалиги ислоҳотга муҳтож

Бекзод Муҳаммадий: (“Коммунизм”дан кейинги пахта саноати...)

Совет даврида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги деганда бошқа республикалардаги сингари колхозлар назарда тутилар эди. Мустақилликка эришгач, мамлакат бу соҳани ислоҳ қилишга урингандек бўлди, аммо давлат назорати ва азалий тартиб ўзгармади. Айниқса, пахта етиштириш соҳасида. Вашингтондаги Вудров Вилсон тадқиқот марказида йиғилган экспертлар шу мавзуда фикр алмашди.

“Мусулмон ўзбек қишлоқларидаги ҳаёт: Коммунизмдан кейинги пахта саноати” – Шимолишарқий Иллинойс университети профессори Рассел Занка қаламига

қандай эркинликка эга эмас. Ягона чора бу шаҳарларга кўчиш, қўшни ўлкаларга ёки бошқа олис давлатларга ишлаш учун кетиш”, – дейди профессор.

Унинг айтишича, агар деҳқонларга танлаш имконияти, мустақил қарор қилиш эркинлиги берилганида, ҳосилдорлик ҳам, оддий аҳолининг яшаш шароити ҳам бугунгидан яхшироқ бўлар эди.

“Ўзбекистон ҳукумати пахтакорларнинг фикрларига кулоқ солмади. Уларнинг янгилик яратиб ташаббус кўрсатишига, ўзлари хоҳлагандек ишлаб яшашларига йўл қўйилмади. Аксинча, уларга қора ишчилар сифатида қаралди”,

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоси туғилди. Ҳукумат учун бу ҳатто халқаро аҳамиятга молик масалага айланган. Пахта етиштирувчи ҳудудларни ривожлантириш ва либераллаштириш масаласи осон кечмаслигини тушунамиз. Лекин ҳукумат бу борада ўзгариш қилиши керак”, – дейди америкалик эксперт.

Ўзбекистон пахта далаларида аҳолининг мажбурий меҳнатга жалб этилиши, айниқса, болалар меҳнатидан фойдаланишнинг кенг тарқалгани халқаро миқёсда кескин танқидга учраб келади. Ҳукумат болалар эксплуатация қилинмапти

масалага жиддийроқ қарай бошлаган”, – дейди профессор Занка.

Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалиги бўйича етакчи мутахассиси Бекзод Шамсиев фикрича, Ўзбекистоннинг энг қашшоқ ҳудудлари айнан пахта етиштиришга ихтисослашган жойларга тўғри келади.

“Жаҳон банки 2001-йил Ўзбекистонда қашшоқлик бўйича биринчи марта мустақил текширув ўтказган. Тадқиқотда Наманган ва Қашқадарё мамлакатдаги энг қашшоқ ҳудудлар экани аниқланган. Бу бизни ажаблантирди, чунки ўша пайтда икки йил давомида биргина Наманганнинг ўзига қашшоқликни тугатиш дастури бўйича 800 миллион доллар ёрдам берилган эди. Бу яшаш шароитларини яхшилаш учун четдан ёрдам беришнинг ўзи кифоя қилмаслигини кўрсатди”, – дейди Бекзод Шамсиев.

Ўзбекистонлик мутахассис ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида бу соҳада бошланган ислоҳотлар муваффақиятсиз яқунланганини айтади.

“Бошида Ўзбекистон регионда биринчилардан бўлиб қишлоқ хўжалигида бир неча тажрибалар ўтказди. Мамлакат бунга тайёр бўлмагани учун ислоҳотлар самара бермади. Масалан, хусусий фермерлик 1992-йилдан тарғиб қилина бошлади. Бироқ савдо шартларининг жиддий ёмонлашуви оқибатида, бу тажриба ўзини оқламади. Хусусий фермерлар қарзларга ботиб қолди. Натижада ҳукумат хусусий фермерлик ғоясини биров кейинга қолдиришга қарор қилди”, – дейди Жаҳон банки мутахассиси.

Пахта Ўзбекистон учун асосий маҳсулот, аммо сўнгги йилларда экин майдонлари қисқарган.

“1980-йил Наманганда пахта майдони 476 минг гектарни ташкил этган бўлса, бу рақам 1990-йилга келиб 390 мингга тушди. Яъни, пахта етиштириш 20 фоизга камайди. 2000-йилга келиб эса 243 минг гектарга камайди. Ҳозир бутун республикада деҳқончилик учун яроқли ерларнинг тахминан 30 фоизига пахта экилмоқда”, – дейди эксперт.

Бекзод Шамсиев ҳам эътиборни деҳқонларнинг яшаш шароитларига қаратади. Асосий муаммо шуки, меҳнатқашлар олаётган ҳақ пахтанинг халқаро бозордаги

нархидан жуда кам.

“Натижада, деҳқонлар даромад қилиш ўрнига қарзга ботади. Ҳукуматнинг пахтага қўяётган баҳоси халқаро бозордаги нархдан анча паст. Ҳатто ҳукумат фермерлардан пахтани халқаро нархда сотиб олган тақдирда ҳам, пахта етиштиришни жуда даромадли соҳа деб бўлмайди. Чунки ҳосилдорлик камайиб кетган”, – дейди Бекзод Шамсиев.

Жаҳон банки таъбирича, фермерларга тўла эркинлик берилса, уларнинг фақат 35 фоизи пахта етиштиришда давом этиши мумкин. Қолганлари деҳқончиликнинг бошқа турлари билан шуғулланишни афзал кўради. Демак, пахтачиликни ҳам деҳқон, ҳам давлат учун бирдек манфаатли бўлишини таъминлаш учун эркин бозорга ўтишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги туб ислоҳотга муҳтож, дейди халқаро мутахассислар.

Америка овози.com

ҚИЁСЛАР

Баланд-баланд иморатлар?
Салобатин қиёси йўқ,
Бири банку, бири кафе,
Бири маркет адоси йўқ

Ижарагир, шароити
Тор хонадан иборатдир,
Лек уларга уй қурмокка
Бой бобомнинг ақчоси йўқ.

Бой давлатнинг ҳокими бой,
Қозиси тўқ, суллоҳи тинч,
Ки, халқининг қанчаси оч,
Бир оҳорли либоси йўқ.

Баландпарвоз ваъдалару,
Ваъдабознинг маддоҳи мўл,
Қарори – кўп, фармони – кўп,
Ижрочи – кўп, ижроси йўқ.

Муаллими пул йиғади
Касал, юпун болалардан,
Тиланчидан ҳақдор миршаб,
Жаҳолатнинг жазоси йўқ.

“Биз ҳаммадан зиёдрокмиз!”
– Деб жар солар маддоҳлари,
Аммо хароб бугунги кун
Ҳолатига парвоси йўқ.

Жаҳолатнинг авжи баланд:
Ислоҳотлар инкироздир,
Гоҳи кирилл, гоҳи лотин,
Орифликка имлоси йўқ!

С. Дилмурод.

Ушбу шеър
Ўзбекистондаги
«АДВОКАТ ПРЕСС»
газетасининг 2005 йил
№46(64) сонида босилган.



мансуб китоб сарлавҳаси. Унда муаллиф Ўзбекистонда мустақилликдан кейин пахтачилик қай аҳволда эканини таҳлил қилади.

Ўзбекистон қишлоқларида бугунги аҳвол қанақа? Деҳқонлар турмуши ва иш шароити қанчалик ўзгарди?

Оддий деҳқон ҳаёти ҳамон оғир, дейди профессор Занка.

“Ўтган 20 йил давомида ҳукумат қишлоқ хўжалигини либераллаштириш бўйича кўп ишлар қилишга уринди, аммо улар оддий деҳқонлар учун ҳеч қандай ўзгариш олиб келмади. Андижондан тортиб Хоразмгача, пахта асосий экин бўлган ҳудудларда деҳқонлар тирикчилик қилишда ҳеч

– дейди мутахассис.

Профессор Занка Ўзбекистонда пахта етиштириш соҳасини ўрганиш учун узок йиллар мамлакат қишлоқларида илмий тадқиқот олиб борган. Унинг ишонч билан гапиришича, пахтакорлар орасида тизимни буткул ислоҳ қилиш, ҳосилни эркин бозорда пуллаш тарафдори бўлганлар кўп эмас. Пахта етиштириш ва уни териб олиш учун тўланадиган ҳақ оширилса, шунинг ўзи уларнинг аксариятини қаноатлантиришга кифоя қилади, дейди у.

“Аҳоли сонининг кўпайиши кўпроқ ернинг ўзлаштирилишига сабаб бўлди. Шунга боғлиқ ҳолда,

деб таъкидласа-да, ҳуқуқ фаоллари ва халқаро ташкилотлар республикада пахта асосан мажбурий меҳнат орқали териб олинишини айтади. Бу Ўзбекистонда шу қадар очик ҳақиқатки, уни рад этиш виждонсизлик, дейди жамоатчи фаоллар.

“Пахта мавсумида давлат мактаб ўқувчиларини, талабаларни, ўқитувчилар каби давлат хизматчиларини мажбуран далага олиб чиқади. Бунга қарши охириги йилларда халқаро ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари фаоллари ҳамда Ғарб давлатлари босимни оширмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон ҳукумати бу

Турклар кашф этган Америка

(давоми, боши биринчи бетда)

Риеснинг денгиз харитаси топилгани хақидаги маълумотлар бўлганини ҳам бугун нимагадир бир эслагим келди. Мен ўша харита хақида биринчи бор ўқиганимда, яширмайман хайратдан ёқа ушлаганман, бу телба дунёнинг пайдо бўлганидан бери доимий тебратиб келаётган буюк туркийзабон халқимнинг ақлу-фаросатига ва қудратига тасаннолар айтганман.

Бугун мен юз фойиз ишонч билан айта оламанки, Испания давлати вакили бўлиб дунёни кашф этишга уринган Христофор Колумбдан анча-анча йиллар илгарийек уммон ортидаги Америка қитъасининг мавжудлиги бизнинг туркларимизга маълум бўлгани рост экан. Усмонли турклар империясининг емрилиб битганидан сўнг, турк республикаси яратилишининг дастлабки даврларида, яъни 1929–йили турк султонлари хонадонига қарашли бўлган Истамбулдаги Тўпкапи қасрини музейга айлантириш жараёнида бир харита топилади. Уни ўша қасрда сақланиб қолган тарихий ашёларни тадқиқ қилган доктор Этхем деган бир тарихчи олим топади. Ўшандан бери номи тарихий манбааларда “Пири Риес харитаси” деб айтиладиган ўша харита Султон Сулаймон хизматида бўлган машҳур турк адмиралли Хожи Мухиддин Пири ибн Хожи Мехметга тегишли бўлган экан.

Адмирал Пири Риес ўзининг «Саёхатнома» ёки «Китаб-и бахриё» (рус. «Книга морей») асарида нафақат Ўрта ер денгизи атрофлари, қўйинги бутун ер юзи кенгликлари бўйича ўз даврида жуда қимматли навигацион хариталар тузганлиги ва кейинчалик уларни бир китобда тўплаганлиги маълум бўлади. 1513–йили нашрдан чиққанлиги белгилаб қўйилган ушбу китобда Америка қитъаси ва Бразилия, Африканинг ғарбий қирғоқларининг ойнадай равшан чизиб қўйилганлиги эса ҳаммасидан ҳам хайратланарлиқдир. Чунки ушбу китоб ёзилганидан бирозгина олдин Колумб Кариб ҳавзасидаги бир неча ороллар ва қитъанинг кичкина бир қисминигина ўрганиб харитага тушириб қайтган эди холос. Пири Риес харитасида чизилган бошқа ҳудудлар хақида Колумбда ҳали на маълумот ва на харита бор эди.

Истамбулнинг Тўпкапи саройидан топилган машҳур турк адмиралли Пири Риеснинг ўшанда топилган хариталари бугунгача дунё олимларини хайратга солиб келмоқда. Чунки улар шу қадар аниқки, уларни океан сузиб дунё кезган ҳар қандай сайёҳ ўша замон навигацион ускуна ва асбоблари билан бу қадар аниқ чиза олишига бугун ҳам ишонмайди. Харитада Антарктиданинг қарийиб бир милл қалинликдаги муз қатлами остида қуруқлик ҳудудлари борлиги ва улар чегарасининг белгилаб қўйилганлиги эса олимларнинг ақлига ўшанда умуман сиғмаган. Унга ишонишмаган. Чунки Антарктида Пири Риесдан 300 йил ўтибгина биринчи бор тадқиқ қилинди ва Пири Риес харитасида чизиб қўйилган маълумотлар шу пайтга келибгина юз фойиз тасдиқланди.

Пири Риес ўз хариталарини тузганда жуда бой кутубхоналардан ва тарихий манбаалардан фойдаланганлигини ёзади, демак унганча ҳам инсоният дунё кенгликлари бўйича жуда катта илмларга эга бўлган экан, деб тушиниш мумкин.

Айниқса олимларнинг Пири Риеснинг харитаси аниқлиги бўйича фақат осмондан туриб қилинган аэросъемка маҳсулигина бўлиши мумкинлиги хақидаги хулосалари эса ундан ҳам қизиқроқдир. Ахир самолёт XX асрда яратилдику...

Америкалик хариташунос олим Хэпгуднинг фикрига кўра, “Пири Риес харитаси” деб номланган ўша харитани тузган одам Ер шари кенгликлари ўлчамларини тўла ўрганган, айниқса юза тригонометрияси бўйича мўъжизавий илмларга эга одамгина бўлиши керак эди. Демак усмонли турк султонлиги харбий флотиди оддий адмирал бўлиб хизмат қилган Хожи Мухиддин Пири ибн Хожи Мехметнинг ўз даврида инсон ақлига сиғмас даражада бундай бир иш қилиб кетгани эса улкан бир мўъжиза ва барча туркий халқлар обрўйи учун катта бир ютукдир.

Машҳур шоиримиз Абдулло Ориф бекорга ёзмаган экан:

Америка—сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,
Денгиз ортин ёритди, илк бор,
Берунийнинг ақл машъали!
Колумбда бор аламиним маним,
Ўзбекистон, ватаним маним! деб

Чунки барча туркий халқларнинг илдизи ва тарихи биттадир. Қолаверса Оврўпо ва Шарқ кутубхоналарининг китоб жавонларини асрлар давомида асосан бизнинг боболаримизнинг ранг-баранг, турфа илмларга бой китобларигина тўлдириб турган. Шунинг учун даъвогарлар каторида биз турклар ҳам Америкага даво қилсак балким арзир. Ҳозирча эса бугунда дунёга машҳур бўлиб турган «гастарбайтер»лигимиздан қутилиб олайлик...

Насрулло Сайид.

Қишлоғим дунё чети
Дилда хурлик ғояси.
Мени асраб келмоқда
Америка сояси.

Менга қарши бесанок
Қутурган итлар хурақ.
Омонман. Америка
Сояси тушиб турар.

Беамон йиртқиқларнинг
Чироғин сўндиради.
Мени тишлайман деган
Тишларин синдиради.

Қашқирлар ўкраяди
Ташни қора қонимга
Сиртлонлар ташланмоқчи
Синган устихонимга.

Чўқимокчи кузғунлар
Калхатлар қароғимни.
Ўчирмоқчи қуюнлар
Серёғду чироғимни.

Золимларнинг юрагин
Шеърларим тешиб турар.
Ғолибман, Америка
Сояси тушиб турар.

Ю. Туркистоний

Ўзбек чегарачилари ўзбекистонлик қизни севиб қолган туркман йигитини авф этишди.

Ўзбек чегарачилари ўз севгилисини кўриш учун Афғон-ўзбек чегараси бўйлаб оқаётган Амударёдан сузиб ўтган йигитни ушлаб олишган.

Бу ҳақда СА-NEWS Озодлик радиосига асосланиб хабар берган.

19 ёшлиқ Абдулназар исмли қоидабузар мобил телефонида номерни хато тергани учун, қутилмаганда ўз тенгдоши Саломат билан танишиб қолади.

Хабарда айтилишича, Абдулназар этник туркман бўлиб, Балх туманининг чегараолди ҳудудида яшаган. Қўлга тушган пайтда Абдулназар Ўзбекистонга виза олиш учун қаерга мурожаат қилиш кераклигини билмаганини ва шунинг учун ҳам Афғон ўзбек чегарасидан Амударё орқали сузиб ўтишга қарор қилганини сўзлайди.

У дарёдан ўтишда (афтидан ичига сиқилган газ тўлдирилган) баллондан фойдаланган ва қирғоқда маҳаллий чегарачиларга таслим бўлган.

“Чегарадан бир ўзим сузиб ўтдим. Нариги қирғоқ қашишзор эди. Ярим кунгача ўша ерда айланиб юрдим. Чегарачини кўриб қолгач унга томон юрдим. Мени ушлаб олишди ва сўроқ қила бошлашди. Улар мендан телефон номерини олишиб, қизни ва унинг онасини чақиришди”, дейди Абдулназар Озодлик радиосига берган интервьюсида.

Радиостанция ходимларининг айтишларича, қонунбузар йигитни, қизни ва унинг онасини прокуратурага олиб боришган. У ерда қайта тергов қилишган.

“Прокурор яхши одам экан. Менинг гапларимни эшитиб кўриб қулиб юборди ва менга ёрдам берди”, дейди Абдулназар.

Унга бир қанча муддатгача Саломат яшайдиган ўзбек қишлоғида қолишга рухсат беришган. Сўнг эса қонунбузар йигит чегарадан Афғонистонга ўтган. Хабарда айтилишича, йигит яқин ойларида чегарадан Ўзбекистонга қонуний йўл билан ўтиш ва севгилисига уйланиш ниятида. “Озодлик”дан.

“Кучсизларнинг кучи” эссесидан парчалар



демократиянинг олий шакли, дея тақдим қилинади.

Ҳукумат ўз ёлғонларига ўзи асир бўлиб қолган.

Бу тизим одамларни энг майда ҳас каби топтайди. Аммо одамлар ҳам мажруҳ туғилган овсар гўдақлар каби бу системани қўллаб-қувватлаб туради. Ўзининг таҳқирланишини ойнада кўриш нақадар ҳақоратли. Бу инсон сифатида таназзулга юз тутганимизнинг исбот ва далили эмасми?

Бу “ҳукумат” ўз солдатларига эмас, балки душман солдатларига таянади. Мен душман солдат деганда ёлғон билан яшаётганларни назарда тутдим. Ёлғон эса доимо рост билан тўқнаш келганида мағлуб бўлади.

Ҳақиқат эса бизнинг ёлғонга қарши ягона қуролимиздир. Бу бактериологик қуролга ўхшайди. Масалан, бактериологик қурол билан бир киши қисқа муддатда бутун дивизияни қуроллантириши мумкин.

Ҳақиқат бизнинг ҳукумат мусодара қила олмайдиган қуролимиздир.

Жамиятдаги муаммолар ёлғоннинг қалин кўрпаси ичида кўмилган. Сабр косамизга сўнгги томчи қачон тушиши эса номаълум. Аммо биргина одам “Қирол яланғоч” деб айтиши билан бу ёлғон салтанат бир зумда қулайди.

Посттоталитар система ва ҳаёт ўртасида жарлик бор.

Ҳаёт турфа ранглар, плюрализм, хуррият, уюшмаларга эркин бирлашиш истаги билан тўлиб тошган. Бир сўз билан айтсак, эрк ва хурликка интилиш. Посттоталитар тизим эса бунинг том тескариси.

Бу тизим бир хиллик, монолит фикрлаш, темир интизом ва инсонлар эркини бостиришдан иборат бўлиб қолмоқда.

Посттоталитар тизимнинг жундор қўлини одам ҳар қадамида сезиб туради. Мафкура қўлқопини кийган бу қўл инсон эркини шафқатсиз бўғиш учун чўнтақдан чиқади.

Бу тизимнинг алжирашлари ёлғон ва иккиюзламачилик омуктасидир. Бу тизим ўз тазйиқини “халқ иродаси” деб атайди. Ҳукумат органларини босиб олган ҳукмдор ўз амалини қонун устиворлиги, деб ишонади.

Маданиятнинг бўғилиши унинг “ривожланиш”и деб, фикр ва ифода эркинлигининг йўқлиги эса “сўз эркинлиги тантанаси” деб айтилади. Сайлов деб аталган томоша эса

ЖИННИ

Темир дарпардалар йўқолганидан буён ҳозир ҳаммага ҳамма нарса мумкин бўлиб қолган. Биров мошинада, биров велосипедда, биров от-аравада дунёни айланиб чиқаяпти. Пиёдалаб ҳажга жўнаяпти, пиёдалаб ер юзини кезаяпти.

БЎЛИШ

Россияга бориб келиш-ку, водийликларнинг Мирзачўлга қовун экиб келишидай гап бўлиб қолди. Кореяга кетаётганларнинг сон-саногини йўқ. Америка, Португалия, Канада ҳаммаси пулинг бўлса бир қадам.

Яқинда Зафар деган биттаси тўрт кишини Америкага, халқаро китобсеварлар симпозиумига 200 доллардан олиб жўнатмоқчи бўлди. “Мошенник эмасмисиз?”-сўрашди тўрт киши. “Худо сакласин,-деди Зафар,- танишим бор, ўша тўрт кишини таклиф қилган.” Шу билан олти ойдан кейин Америкага кетмоқчи бўлганлардан бирини кўриб қолдим. “Ҳали кетмадингми”,-сўрадим. “Кўпроқ одам йиғ деяпти,-деди у.-Ҳозир яна бештасини топдим”. “Манга қара, одамларнинг пулини қайтаролмай, Носир акага ўхшаб узоқ муддатли сафарга кетиб қолма тагин”,-дедим. “Кимни-кимни, мени ҳеч ким алдаёлмайди”,-деди у. Шундан буён тўрт йил ўтди, ҳали ҳозиргача ўн кишининг пули ўша Америка орзумандининг бўйнида.

Фалончи Кореяга бориш учун фалончига беш минг доллар берипти, Америкага бориш учун ўн минг доллар берипти, алдаб кетипти, деган гаплар одатий ҳол бўлиб қолган. Шунинг учун мен бирорга фирма ёки чет элга жўнатувчи фирибгарларга ишонмайман. Давлат томонидан шартнома билан кетаётганлар-бошқа гап. Яшириниб юрмайсан, одамга ўхшаб яшайсан, сокка қиласан. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат дегандай, ана шу мақсадда ташқи эмиграция агентлигига мурожаат қилиб, Кореяга бормоқчилигимни айтдим.

–Нима, бу ер ёқмаяптими?-думалок кўзойнак таққан, мўйловчаси ярашиб турган агентнинг биринчи саволи шу бўлди.

–Йўқ, нега, дунёни бир кўрсам, девдим...

–У ерга дунёни кўришга эмас, ишга борасиз,-деди мўйлов.

–Ишга бўлса ишга-да,-дедим дангалига кўчиб.

–Ундай бўлса, мана бу рўйхатда кўрсатилган маълумотларни йиғиб келинг,-у қўлимга ўн пунктдан иборат эслатмани тутказди.

Ишга киришдим. Дастлаб чет элга чиқиш учун виза очдиришга бордим. Бу ердаги одамни кўриб, ёпирай, ҳамма чет элга кўчиб кетаяптими, деб ўйладим. “Чет элгами,-деди биттаси менга синовчан қараб.-Таниш бўлмаса, барибир ҳеч нарса қилолмайсан”. “Танишни қайдан топаман?” “Мана мен топаман-да, танишни. Соққасини келишсак бўлди”. Савдолашиб, охири 75 долларда тўхтадик. Буёғи силлик

кечди. Визани очдириб олдим. Иккита меҳнат дафтарчам бор, ишламаган жойим қолмаган, кўчирма қилгунча анча пулим кетди. Ҳарбий билетни йўқотиб кўйгандим, уни тиклаб, нусха олгунча анчага тушдим. Чет давлатга чиқиш

учун тиббий кўрикдан ўтиш керак экан, бош врач 20 та духтурга йўлланма берди.

– Ш у н и н г бошқачароқ иложи йўқмикан,-дедим мулойимлик билан.

–Бор. Ҳар бир духтурга атаганингизни берасиз, маълумотнома икки кунда тайёр бўлади...

Икки кундан кейин маълумотномали ҳам бўлдим.

–СПИД бўлганингиз йўқми,-деди СПИД маркази духтури.

–Йўғ-э,-деб қўлига бир сиким пул тутказдим.

–Тери-таносил касаллигига чалинганмисиз,-сўради навбатдагиси.

–Худо сакласин,-деб тортмасига пул ташладим.

–Қандай гиёҳванд моддалар истеъмол қиласиз,-сўради кейингиси.

–Нос чекаман,-деб, журналининг тагига пул қистирдим. 12 та рангли



фотосуратнинг пулини тўладим, карисча ўқиганлигим тўғрисидаги гувоҳномага жимжимадор қилиб имзо чекдим. Пулини тўлаганингдан кейин хоҳлагандай имзо чекасан-да! Ота-онам билан хотиннинг розилигини олиш кийин бўлди. На пулга кўнишади, на гапга.

–Бошқасини топиб кетади,-йиғлайди хотин.

–Узоқнинг қуйруғидан яқиннинг сомони яхши, болам,-дейди ота-онам.-Нима қиласан ёт элларда саргардон бўлиб...

Йўқ, бир бало қилиб кўндирдим. Маҳалладан справка олишга чикдим.

–Ҳа, санам кетаяпсанми,-деди маҳаллаком. Ҳамманг кетаверсаларинг, бу ерда молни ким боқади? Ё бизнинг шароит ёқмаётган бўлса, тўғриси янтавур...

–Дўм бува, бизнинг шароитдан яхши шароит йўқ, фақат бир айланиб келмоқчиман холос,-деб, чўнтагига секин пул тикқанимдан кейин унинг чиройи очилди.

–Қанча вақтга кетмоқчисан,-сўради у. –Бедараклар сафига кўшайми, ё шу ерда, деб қўяйми?

–Шу ерда, деб қўяқолинг,-дедим.

–Ундай бўлса қўш,-деди маҳаллаком чўнтагини кўрсатиб. Қўшдим.

Хуллас, ҳамма маълумотларни бир папка қилиб тўпладим. Тўппа-тўғри думалок кўзойнакли мўйловчанинг олдида олиб бордим.

–Ҳаммаси бўлдими,-сўради у.

–Бўлди,-дедим.

–Энди бу папкани Дадамуродни топиб, унга топширасиз, ҳаммаси яхши бўлса, икки ойдан кейин Кореяга жўнайсиз,-деди агент. Дадамуродни топиб, папкани унга тутказдим. Дадамурод зипиллаб агентнинг ёнига кириб кетди. Қайтиб чикқанидан кейин:

–Ҳамма хужжатлар тўғри,-деди.-970 доллар пул сизнинг ҳисобингизга омонат кассага қўйилади, йўлқира пули, чойпули, ҳаммаси беш минг доллар бўлади...

–Нимага беш минг доллар бўлади?-хайрон бўлдим.-Менга ҳаммаси бўлиб 1800 доллар бўлади, дейишган эдику?

–Тўғри, бошида 1800 доллар бўлади, охирига бориб 5 минг долларга айланади. Бунинг устига агент сизни 1200 долларлик ишга жўнатмоқчи. Яхши ишласангиз, тўрт

ойда кўрмагандай бўлиб кетасиз...

Агентнинг ёнига қайтиб кирмоқчи бўлдим.

–Овора бўласиз,-деди Дадамурод.-Агент фақат мен қўл қўйган хужжатларни олади...

Дадамуродга бу хужжатларни тўплагунча 200 минг сўм пулим кетганини, жуда қийналганимни айтмоқчи бўламан-у, қўлим ҳаракатга келса ҳам, тилим калимага келмайди, денг. Дадамурод “Тушунаман”,-деганча бошимни силайди. Хўрлигим келиб, унинг кўксига бошимни қўйиб йиғлаб юбордим. Кейин “Олтин девор” даги артист “Тош, тош, тош”,- деб айланганидай, бир қўлимни шундай Дадамуроднинг башарасига чўзиб: “Беш!” дедим. Кейин иккинчи қўлим билан “Беш, беш, беш” деганча кучим борича унинг башарасига қулочкашлаб туширдим. Қолгани эсимда йўқ. Кўзимни очсам, жиннихонада ётибман...

Нурилла Остон

Хоинларга энг катта маош, Хоинларда барча ихтиёр. Эл уларни боккандан адош, Хоинларнинг идораси бор.

Ҳар бир мардга милёнта номард, Ҳар бир эрга милёнта хоин. Даврон берган соткинга омад, Ох, сикилган юракдай очун.

Топилмайди диёнатга ёр, Ҳамма қули сочилган доннинг. Ҳар кўчанинг ўз хоини бор, Хоини бор ҳар хонадоннинг.

Қуллик қилиб, ташланар шаҳор Тўраларнинг ишорасига. Ҳамма ходим бўлишга тайёр Хоинларнинг идорасига.

Азалдан ҳам мардларни дорнинг Сиртмоғига хоинлар илган.

Бу тупрокни аҳли ғаддорнинг Идораси идора қилган.

Юртни сўрар хиёнат, ёлғон, Юрт уларнинг бечорасидир. Турон, Турон, вайрона ТУРОН Хоинларнинг идорасидир.

Идоралар аро халқ сарсон, Бечора халқ излайди нажот. Қай бирига борма кўзи қон, Қилич қайраб туради жаллод.

Бечора эл, о, навосиз эл Азроилдан ҳаёт кутади. Бечора эл, о, навосиз эл, Жаллодлардан нажот кутади.

Абадийми зулмат, изгирин? Машрабларни осганлар шулар. Усмон Носир умр илдинин Чопган шулар, кесганлар шулар.

Нодирани сўйган шулар-ку, Сўймоқдалар, чикса унимиз. Элни ғамда қўйган шулар-ку, Насруллога қолган кунимиз.

Бечора эл, о, навосиз эл Амалдордан нажот кутади. Бечора эл, о, навосиз эл, Азроилдан ҳаёт кутади.

2001 йил 4 феврал

ТУРОН БОҒЛАРИГА...

Эрк деган исёнкор туйғулар унут, Мардлик булогининг кўзи бекилган. Чумчуқлар беҳисоб, кўринмас бургут, Кураш майдонига пахта экилган.

Эрлик сўқмоқларин кўпдан кўрмассиз, Эрлар адо бўлган, кўплар бичилган. Туронда номардлик отгандир илдин, Хоинлик уруғи беҳад сочилган.

Одамлар юраги борар тошланиб, Базилар кўзига тупрок тикилган. Жасорат боғлари кесиб ташланиб, Турон боғларига ғафлат экилган.

Ю.Туркистоний

2001 йил 31 январ

МАРДИКОРЧИЛИКНИНГ ҚАТТИҚ НОНИ...

Наманганлик Абдуғани Зоиров (исми ўзгартирилган) ҳолидан Остонадаги мигрантларга кўмак кўрсатиш маркази хабар олган.

56 ёшли Абдуғани ака бир йилдан бери маошини ололмай, Остонадаги қурилишларнинг бирига ўрнатилган контейнерда яшаб келаётган эди.

Касби ҳайдовчи бўлган бу ва яна ўзбекистонлик Оллоёр Султонбоев 4 мингдан 9 минг долларгача бўлган иш ҳақини ололмаган.

“Ҳақиқатан ҳам менинг ботинкам тешик. Оёғимни уларга кўрсатдим. Дўконга чиқиб келгунимча ўзига намни тортиб олади. Мана бу ерда қуритиб оламан. Иккита свитер, битта жемфир, битта яхши чиройли туфли олиб келишибди. Сизга руҳшунос ҳам керак бўлиб қолибди, дейишди. Мен керак эмас, ўзимни ўзим тинчлантира оламан”, – дейди Абдуғани Зоиров.

Мигрантларга кўмак кўрсатиш маркази, Абдуғани акани бошқа жойга чиқариш таклифини ҳам айтган, аммо у киши бундан бош тортган.

Таҳдидлар

Меҳнат муҳожирлари бошқа ташкилотлардан ёрдам сўрашни бошлаши билан, иш берувчи унга турли йўллар билан таҳдид қила бошлаган.

Мигрантларга ёрдам кўрсатиш маркази ҳуқуқшуноси Алтинбек Бейсеннинг Би-би-сига айтишича, айна дамда иш берувчи билан музокара давом этмоқда.

Ободонлаштириш фирмасининг бошлиғи меҳнат муҳожирларига ўз вақтида пулини берганини даъво қилмоқда.

“Иш берувчининг айтишича, Зоиров ишламаган ва ётган. Бу ерда ишлатиб қўймаслиги учун, унинг номига Ўзбекистонга 1700 доллар юбордик, деб айтаяпти”, – дейди Алтинбек Бейсен.

Абдуғани акага кўра, иш берувчи унга 4 минг доллар бериши керак. Ва бир оз пулни Абдуғани аканинг ўғли номига юборишдан бош тортган. У Ўзбекистонга етиб боргунча, иш берувчи ушбу пулларни қайтариб олиб қўйишидан чўчимоқда.

Иш берувчи билан боғланишнинг имкони бўлмади, аммо ҳуқуқшунос билан гаплашганда иш берувчи яна бир меҳнат муҳожирлари Оллоёр Султонбоевга ҳамма маоши вақтида берилганини даъво қилган.

Мигрантларга кўмак бериш маркази, иш берувчи меҳнат муҳожирларини рози қилмаган тақдирда уларни ноқонуний равишда ишга жалб қилган, дея прокуратурага ариза топширишини билдирди.

Бундай ҳолатда иш берувчи катта жаримага тортилиши мумкин.

Муҳожирликнинг аччиқ нони

Абдуғани ака 2012 йилнинг январ ойида қурилиш машинасини ҳайдаш учун Остонага ишга келади. Бу вақтда иш берувчи уни турли машина бошқаришдан тортиб, сувчи қилиб ҳам ишлатади, аммо маош бермайди.

Келган вақти Абдуғани акага машина ҳайдагани учун 100 минг танга ёки 660 доллар ойлик маош беришни ваъда қилишган.

Иш берувчи меҳнат муҳожирининг паспортини ҳам олиб қўйган.

Абдуғани акани Остонага ангреник таниши 65 ёшли Оллоёр Султонбоев бошлаб келган.

Оллоёр ака Остонадаги ободонлаштириш билан шуғуланидиган хусусий фирмада икки йил ишлаб яхшигина фойда топган. Ойига минг доллардан маош олиб, булдозер сурган.

“Ангрена бундай маош берадиган иш йўқ. Бу ерда минг доллар олган бўлсам, Ангрена ҳеч

ким бунча бермайди. Конда ишлаганимда 300-400 минг сўм олардик, уни ҳам берса”, – дейди Оллоёр ака.

Ўзининг сўзларига кўра, Оллоёр ака 1 йил давомида бир кун ҳам ишсиз ўтирмаган, корхона раҳбарининг топшириғи билан бошқа корхонанинг ишини қилган ва ҳисобига миллион-миллион пул туширган.

“Ойига 1,5 миллион танга пул ўтказиб турдим. Туркларда 9 ой ишлаган бўлсам, 12 миллион тангага яқин пул ўтказдим. Аммо менга пул беришмади, пул тўғрисида гап ҳам бўлгани йўқ”, – дейди Оллоёр ака.

Иш берувчининг қўлида 40 дан ортиқ одам ишлайди, аммо бирортаси билан ҳам меҳнат шартномаси тузилмаган. Оллоёр Султонбоев иш берувчи ундан 9 минг доллар қарздор эканлигини айтади.

Кузатувчилар Қозоғистонда меҳнат муҳожирлари билан боғлиқ муаммо бот-бот учраб туришини айтишади. Уларга кўра, Қозоғистон ҳуқумати муҳожирларнинг муаммосига жиддий эътибор қаратмайди. Қозоғистонга ҳар йили юз минглаб ўзбеклар мавсумий ишлар учун боришади.

Уларнинг асосан иншоотларда меҳнат қилишлари айтади.

Қозоғистонга бораётган ўзбек фуқаролари орасида қулликка тушиш ҳоллари кенг тарқалган.

Ўзбекистонлик муҳожирлар қозоқ иш берувчилари, шунингдек, полициясининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан шикоят қиладилар.

Шодиёр САЙФ

Вой-дод болам сўкишни ўрганибди

Оила даврасида ҳар бир қиладиган ҳаракатимиз, оғзимиздан чиқадиغان ҳар бир сўз фарзандимизнинг тарбиясига, унинг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши табиий. Ҳаракатларимизни ўзига кўчиргани сингари ҳали шаклланимаган сўз захирасига бизнинг сўз бойлигимиздан андоза олади...

Ўсмирлик чоғига бола ҳар хил инсонлар ва ҳаракатлар билан танишади – ёшлигининг тақозоси сифатида кўрган-танишган нарсаларини амалиётга тадбиқ қилади. Катталарнинг ҳаракатига тақлид қилиб, бундан жуда чуқур завқ олади. Масалан, болалар характерининг шаклланиш босқичида (4-12 ёш оралиғи) «жаргон» сўзлар ёки сўкишни ўрганиб уларни амалда қўллашлари мумкин. Ўзини анча тутиб олган ва одоб-ахлоқ ҳақида тушунча ҳосил қилган 6 ёшли болакайга бундай сўзларни ишлатиш яхши эмаслигини тушунтириш мумкин. Лекин, нисбатан кичик ёшдаги унча-мунча гапни тушунмайдиган (6 ёшдан кичик) болалар сўкаётган ёки уятсиз сўзларни ишлатаётган бўлса қандай тарбия услублари қўлланилиши керак?!

Замонавий оналардан бири шундай ҳикоя қилади: икки ўғлим бор. Бири 7 ёшда иккинчиси 3 ёшда. Катта ўғлим яқин кунларда ёмон сўзларни ишлатадиган одаг чиқарди. Бундай қилгани учун уни жазолаш мақсадида ҳар сўканида оғзига гаримдори суртдим. Бора-бора ўғлимнинг бу одати йўқолиб, кўнглим жойига тушгандек бўлди. Лекин кунларнинг бирида уйга келган меҳмонлар олдида нақ ер ёрилмади, мен кириб кетмадим. 3 ёшли кичик ўғлим меҳмонларни ўшандоқм хунук сўзлар билан сўкиб берса бўладими. Кейин билсам каттам ҳар кун кечқурун бир хонада ётадиган укасига ўша сўзларни ўргатиб чиқаётган экан. «Акам ўргатди», деганида жаҳлим чиқди-ю, ўзим нотўғри жазо қўллаганимни тушуниб етдим.

ЖАЗО ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Аслида боланинг шундай тарзда ҳаракат қилиши, яъни жазога нисбатан бир қаршилиқ кўрсатиши табиий ҳолдир. Бунинг психологиясида ҳамма нарса ўз ўрнида эканидан далолат. Аксинча ҳеч қандай. муносабат кўрсатмаганида боланинг баъзи рефлекслари камчиликлари борлигини эътироф этган бўлар эдик. Асл хато қўлланилган жазода. Ахир фарзанд бу ёшда ишлатаётган сўзининг асл моҳиятини ҳам тушунмайди. Шунинг учун унинг ўзи ҳам ёмонлигини билмаган ҳаракатлари учун уни жазолаш мантисиз бўлади. Бунинг устига болага юқорида белгиланган жазо ҳам унинг ғурурини синдирадиган, бир жиҳатдан уни «шарманда» қиладиган моҳиятга эга. Балки шунгадир, бола топталган ғурури учун онасидан қасос олиш мақсадида укасига шундай сўзларни ўргатган. Жазо тарбияда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ақл билан танланиши керак.

ҚАНДАЙ ЧОРАНИ ҚЎЛЛАШ МАЪҚУЛ?

1. Ухлатишдан олдинги эртақ ва ҳикояларда қаҳрамонларининг ани шундай болалардан танланган. Кўп сўкадиган, хунук сўзларни кўп ишлатадиган бола бўлган экан, деб бошланган. Кейин ўша боладан ота-онаси қанчалик хафа бўлишини, бошқалар ҳам уни яхши кўрмаслигини айтиш. Лекин асло, «сен ҳам шу болага ўхшамагин-а», дея кўрманг! Фарзандингиз керакли бўлган насихатни ўзи танлаб олади. Ишончингиз комил бўлсин.

2. Фарзандингиз ишлатаётган сўзларга муқобил сўзларни ўргатинг. Қайси ҳолатда қандай сўз ишлатаётганини билиб олиб, жаҳли чиққанида ёки хафа

бўлганида ишлатиш учун бошқа адабий сўзларни ўргатинг. Масалан «Сендан жаҳлим чиқди», «хафа бўлдим» каби ибораларни ишлатишни ўргансин.

3. Фарзандингиз билан келишиб бир соат ичида хунук сўз ишлатмасангиз унга совға беринг. Масалан ҳар соат бошида бир дона конфет билан уни сийлаб, буни нима учун бераётганингизни эслатиб турун. Бу одатни ўғлингиз унутиб қўйса ҳам сиз асло қанда қилманг. Маълум бир вақт ўтгач эса конфетларни ҳар икки соатда беринг кейинчалик бу одатингиз аста-секин йўқ бўлиб кетади. Лекин шуни ҳам ёдда тутингки, муқофотлар маълум вақт ичида йўқотилмасангиз, фарзандингиз сиз билан бозорлашишни бошлайди.

4. Фарзандингиз тил савиясининг ривожланишини мутлақ назоратда ушлаб турмоқчи бўлсангиз, унга шеър ёдлатишингиз, тез айтиш ўргатишингиз, қисқа суралар ҳамда дуолардан таълим беришингиз мумкин. Бу йўл билан фарзандингиз тили ширин бўлиш билан бирга зехни ҳам очилиб боради.

5. Фарзандингиз ишлатган сўзларга нисбатан кескин муносабат билдиринг. Бу нарсдан фожеа ясаш бефойда, лекин жаҳлингиз чиққанини билдиринг. Бироқ хафа бўлишда ҳақингиздан ошсангиз бола эзилиши мумкин.

6. Агар айтилган барча кўрсатмалардан фойда бўлмаётган бўлса, ўзингиз ишлатадиган сўзларингизни бир қоғозга тушириб кўринг. Эҳтимол сиз ҳам болангиз билан бир хил сўзларни ишлатаётгандирсиз.

Islom.uz

Кейинги 22 йил ичида Марказий Осиё ҳисобланмиш ҳудудларда: айнан миллатчилик оқибатида қатор фожиалар бўлиб ўтди. Афсуски, бу ҳудудларда макон топган бирон институт, бирон илмий марказ миллатчиликнинг сабабларини, қирғинларнинг оқибатларини атрофлича ўргангани, уларга сиёсий баҳо берилгани йўқ. Ҳолбуки, бу хил ўрганиш миллатчиликнинг илдиэларини очиш учунгина эмас, келгусидаги бўлиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олиш учун ҳам зарур эди. 1990 йилдаги Ўш-Ўзган фожиаси пайти Ўшга туркий халқларнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов келиб, давлат бошлиқлари ва норасмий ташкилотларнинг раҳбарлари билан учрашиб, икки тамонни келиштиришга ҳаракат қилган. Буюк ёзувчи ўзи ҳам мансуб бўлган халқнинг фашистик тўдаларига “ҳайвонлар”, деб бақирганини эшитганлар бор. Аммо бу ҳаракатларга қарамасдан, юзлаб кишилар қурбон бўлганди. У пайтда СССР борлиги учун шўро аскарларининг тинчликпарвар кучлари етиб келиб, қонли қирғинни кечикиб бўлсада, тўхтатишга ёрдам қилди. Акс ҳолда, қирилганлар сони миллионлаб бўлиши мумкин эди. Абдулазиз Маҳмудов тинчликпарвар кучларнинг вакиллари билан ҳам суҳбатлар олган. Уларнинг кўмандонларидан бири фожиа Афғонистондагидан, ҳам даҳшатлироқ эканлигини айтади. Энг ёмони шуки, тўхтатиш иложи бўла туриб, бу қирғинларни тўхтатмаган Масалиев сингарилар КПСС МКнинг бюро аъзолигида сайланишди. Бироқ ўшанда қотиллардан бир қисми жазога тортилди. Ошкоралик бўлмагани учун қанча одам қирилгани, қанча уй ёқилгани, қанча одам ярадор бўлгани айтилмади ва ёзилмади. Ёпиғлиқ қозоннинг ёпиғлиқ қолиб кетиши ҳам янги фожиаларнинг такрорланишига сабаб бўлди...

Миллатчилик бирдан фожиали тус олмайди. Миллатчилик, бирон ҳудуддаги иқтисодий, сиёсий аҳволнинг ночорлиги ва шу маънавий касал билан “оғриган” ҳукуматдаги ва “пастроқ”даги зиёлилар, халқнинг оми вакиллари орасида илдиэ отиб, сўнг кўпчиликкома онгига сингади, ҳаётдаги етишмовчиликлар, ишсизлик каби иллатлар, ҳукуматларнинг ўз вазибаларини бажара олмай қолганлиги, буларнинг ҳамаси сабаб бўлиб оми аҳоли совуқ ва иссиқ қуролга қўл етказилади.

2010 йил июнида фожиа 1990 йилдагидан кенгроқ кўламда қайтарилди... Бу

гал контрол бутунлай издан чиққани учун тўполон ва зиддият даҳшатли тус олган. Кишилар ўз уйларини ҳимоя қилиш учун баррикадалар қуришган, аммо расмий армияга тегишли БТРлар бу баррикадаларни суриб ташлаб, армия ва милиция томонидан қуроллантирилган тўдаларга йўлочиб берилган... Тўдалар одамларнинг жонига қасд қилиб қўймасдан молларига ҳам қасд қилишди, минглаб уйларни ёқишди. Хуллас, норасмий манбаларга кўра мингдан ошиқ, халқаро комиссиянинг ҳисоб китоби бўйича, 470 одам нобуд бўлган: уларнинг 80 фоизи ўзбек оғайнилар, қолгани бошқа миллатлар бўлиб чиқди. Кейинги бир йилда, халқаро ёрдам туфайли, ўшнинг гуллаб-яшнаб турган ҳовлилари ўрнига кўп қаватли бинолар қурилган.

Энг даҳшатлиси шуки, Ҳозирда мамлакатнинг қонуний президентига ҳам бўйсунмаётган кишилар

айрим оми қозоқ биродарлардан баъзилари ҳам у ёки бу шаҳарнинг “ўзлариники” эканлиги ҳақида гапириб қоладилар. Бу гапларга вақтида нуқта қўйилмаса, оқибати ҳуник бўлиши мумкин. Ўзаро зиддиятни келтириб чиқариши мумкин бўлган бу хил фикрлар оддий одамлар орасида ҳам, зиёлилар ва айрим туман ва маҳалла даражасидаги арбоблар орасида ҳам мавжудлигини яшириш, ҳар икки халқнинг дўстлигига хиёнат қилиш билан баробар. Бугунги кунда, айниқса, зиёлилар, туман ва вилоят даражасидаги раҳбарлар, куч ишлатар тизимлари вакиллари онгида ҳам бу хил фикрнинг бўлиши хатарлидир. Ушбу мақола муаллифларидан бири чегаранинг Ўзбекистон томонида савдо сотиқ билан юрган аёллар ва милиция ўртасида қийчув, тўполон бўлганининг гувоҳи бўлди. Тўполончилар орасида ўзбек ва қозоқ аёллари бор

пинагини бузмай, “шундай бўлиши ҳам мумкин”, деганида, биримиз ўзбек, биримиз қозоқ халқига мансуб бўлсақда, иккала миз ҳам бир хил ранжидик.

Сўнг ўзбек ва қозоқ зиёлилари бирлашиб, Жанубий Қозоғистондаги ва чегара зоналаридаги нохуш кайфиятнинг олдини олиш учун оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиб, журналистларни йиғиб, конференция ўтказишга имкон бериши керак бўлган проект ёзиб, Олмаотадаги Сорос фондига топширдик. Афсуски, улардан бу режа ўтмаганлиги ҳақида жавоб олдик...

Кейинроқ Жанубий Қозоғистонга Н. А. Назарбоев келди, Сайрамда Ўзбек театрини очиб берди ва ўзбек халқига муҳаббат тўла гапларини гапирди. Бир-биримизни қозоқ, ўзбек деб юрмайлик, ҳаммамиз бир отонанинг фарзандларимиз, деган мазмунда узоқ сўзлади. Шундан сўнг оммавий ахборот

БИРЛИГИНИ
КЎРИБ ЎЛСАМ,
АРМОНИМ ЙЎҚ...

Турон элим...

Бир онадан оппоқ сутни эммабмидик?

Севинч ғамни бирга татиб билмабмидик?

Аждодларни бир мазорга кўммабмидик?

Кўзни очиб, бирга бирга юрмабмидик?

Нечун бугун дардинг кўриб дармоним йўқ,

Бирлигингни кўриб ўлсам, армоним йўқ.

Келган ёвуз бошларингни чўкиб кетди,

Боринг олиб, кад-қоматинг букиб кетди,

Тарқоқлигинг кўриб “мадҳ”лар ўкиб кетди,

Шаънинг узра ривоятлар тўкиб кетди,

Турон элим, дардинг кўриб дармоним йўқ,

Бирлигингни кўриб ўлсам, армоним йўқ.

Эр Тўнғадан мерос қолган тахтинг қани?

Юздан ортиқ давлатинг ва бахтинг қани?

Аждодларинг сени деган аҳдинг қани?

Асрларни бежаб келган мадҳинг қани?

Турон элим дардинг кўриб дармоним йўқ,

Бирлигингни кўриб ўлсам, армоним йўқ.

Қошғарийинг тилим деган сўзи ёдми?

Кўрkit отанг босиб ўтган изи ёдми?

Яссавийинг қибла тутган юзи ёдми?

Неча дониш, алломангнинг кўзи ёдми?

Турон элим дардинг кўриб дармоним йўқ,

Бирлигингни кўриб ўлсам, армоним йўқ.

Синовларга дош беролмай тўзиб олдинг,

Ўз-ўзингга битта тарих ёзиб олдинг,

Севинч-ғамдан минг семириб, озиб олдинг,

Билмасингдан ўзингга чоқ казиб олдинг,

Турон элим дардинг кўриб дармоним йўқ,

Бирлигингни кўриб ўлсам, армоним йўқ.

Керак бўлса, қурбон берай кел жонимни,

Садка қилай, пойларингга тан, конимни,

Тилагим бир, тақиб туркий туморимни,

Асрасанг бас, Туронзамин маконимни,

Турон элим дардинг кўриб дармоним йўқ,

Бирлигингни кўриб ўлсам, армоним йўқ.

Иброҳим Туркий
1990 йил.

Байналмилал тарбия керак...

(Марказий Осиёдаги тор миллатпарастликнинг олдини олиш имконлари бор...)

бор экан. Улар мамлакатда яна бир тартибсизлик чиқариш маса деган хавотирлар бор...

Ўзбек ва қирғиз зиёлиларидан анча-мунчаси ҳозиргача 1990 ва 2010 йилги тўқнашувларни КГБ уюштирган, деб айтишди. 1989 йили турк қардошлар ҳам бу қонли жанжал юқоридан уюштирилган деб интервьюлар беришган. Хўш, ўзбек ва қирғиз зиёлилари айтгандай, бу ҳодисаларни КГБ уюштирган бўлса, турк биродарлар айтгандай, юқоридан ташкиллаштирилган бўлса, халқнинг ўз калласи йўқми? КГБ нега бу хил халқаро тўқнашувни Болтиқбўйида уюштиришга интилган бўлсада, уюштираолмади. Юртимиздаги қавмлар онгли бўлиб, қардошлик туйғулари қалбларида бардавом бўлганда бу хил фожиани КГБ эмас, АҚШнинг жасуслик бўлимлари ҳам уюштира олмасди... Биз бу гапларни осмондан олиб гапираётганимиз йўқ. 10-15 йилдан бери Ўзбекистон ва Қозоғистонда яшайдиган биродарлар билан ҳамтовоқмиз. Бу ерларда яшайдиган оми ўзбеклар орасида Сайрам, Туркистон ўзбекларники бўлиши керак, деганга ўхшаш фикр бўлганидай, тарихимиз бир эканлигини билмайдиган

эди. Жанжал босилгач, у тўладан келган, афтидан аламзадалиги билиниб турган милиция капитани ёнига келиб, халқ билан ўйнашиб бўлмайди, бу аҳволда уруш бўлиб кетиши мумкин-ку, деди. У эса, пинагини ҳам бузмай, “бундан кўра уруш бўлиб кетгани яши эди”, деб минғирлаганда пешонамиздан совуқ тер чиқиб кетди. Иккинчи муаллиф Жанубий Қозоғистондаги Қазғурт туманига қарашли ДАН блок постидан ўтаётиб паспорт текшираётган расмийларга дуч келди. Микроавтобусдагилар паспортини тепага кўтарди. Инспектор бўлса, яшил паспортларнинг ҳаммасини йиғиб олиб, “паспорти олинганлар менинг ортимдан юрсин”, дея паства тушиб, блок пост канторасига кириб кетди. Улардан айримлари расмийнинг ишидан ранжиб: “Кўка, Ўзбекистоннинг милицияси Қозоғистон фуқароларини, Қозоғистон фуқароларини ўзбекистон фуқароларини ортиқча текшир текширдан ўтказаверса, сизлар туфайли ўртада қозоқлар ундай, ўзбеклар бундай деган гап сўзлар кўпайиб кетадику”, дедик. “Не бўпти, кўпайса?” савол берди полиция майори. “Худо сақласин, сўғиш бўлиб кетишида мумкин”... У эса

воситаларидаги ўзбекларга нисбатан айтилаётган салбий гаплар нисбатан камайди...

Ўтган йили Нурсултон Абишевич Истанбулга бориб, туркийларни бирлашишга чақирди. Агар Оқ денгиз ва Олтой орасидаги турклар бирлашса, 200 миллионли таъсирли давлат пайдо бўлиши ҳақида сўзлади. Турк Кенгаши байроғини кўтаришда иштирок қилди. Аммо бу гаплардан энди беҳавотир юравериш керак, деган маъно чиқмайди. Қозоғистонлик қозоқ, уйғур, ўзбек зиёлилари, тилшунос олимлар, Турк Кенгашининг ишларида фаол қатнашиши, туркийларни дўстлаштириш, яқинлаштириш, бирлаштириш юмушларини давом эттириши лозим. Биз нохуш оқибатлар нималардан келиб чиқишини ўрганишимиз ва буларни бартараф қилиш йўлидан боришимиз керак.

Биз ҳар икки республиканинг зиёлиларини икки халқ орасида яхши кайфият ҳосил қилувчи тадбирларни амалга оширишга чақирамиз. Газеталаримиз орқали байналмилал тарбияни йўлга қўяйлик. Журналистларимиз ва шоирларимиз қозоқ ва ўзбек халқларининг туби бирлиги ҳақида, дўстлиги ҳақида асарлар ёзишсин..

С. Байдуллаев,
Б. Норбоев.

Хижратда ватан ёди

(давоми, боши биринчи бетда)

кириб ташлади. Ундан кейин кулоқ қилиш ва ёппасига Сибирга сургун қилиш каби жараёнлар бошланди. Отам ўшанда Марғилоннинг Бўстон кишлоғида яшаганлар ва ўз яқинларининг Сибирга сургун этилганини эшитиб, мамлакатни тарк этишга мажбур бўлганлар. Отам Тожикистон орқали Афғонистонга ўтадилар ва у ерда бир неча йил ватан озодлиги учун курашдилар. Иккинчи Жаҳон уруши даврида Афғонистонда Туркистонни озод қилиш ташкилоти тузилади ва отам ўша ташкилотда хизмат қилдилар. Бу ташкилотда Шермухаммад Бек, Мубашширхон тўра каби раҳбарларимиз иш олиб боришган, афсуски, уруш қутилгани каби натижаланмади ва Афғон ҳукумати босимлар остида бу мужоҳидларимизни зиндонбанд эта бошладилар. Бу вақтга келиб отам яна ҳижрат қилдилар, Афғонистондан Покистонга келдилар. Покистондан Ҳиндистон ва кейинроқ Саудия Арабистонига ўтиб у ерда бир неча йил қолдилар. У ердан эса 1952 йил охирида иккинчи она ватанамиз саналган Туркияга келишга муяссар бўладилар. Отам 2008 йили оламдан ўтдилар. Мен у кишининг хотираларини китоб қилдим. Ўзим Афғонистоннинг шимолида туғилганман, бу ерни биз Туркистон тупроқлари деб биламиз, шунинг учун отам туғилган еримни расмий ҳужжатларда Туркистон деб кўрсатганлар.

Би-би-си: Ўзбекистонга, туғилиб ўсган юртингизга эмин эркин бориб келасизми? Сизнинг дўстларингиз-чи? Оила аъзоларингиз? Ўзбекистонда қариндошлар борми?

Чигатой Кўчар: Худога шукр, бор. Биздан катта авлод мужоҳиротдан уй-жой олишмади. Бир кун озод бўлади ватан ва қайтамиз деб ўйладилар, афсуски, кўплари ватан озод бўлганини кўришмади, оламдан ўтдилар... Отам толели инсон эканлар, ўз кўзлари билан ватан озод бўлганини кўрдилар. 1991 йили Ўзбекистонга сафар қилдилар. 67 йиллик айрилиқдан кейин Марғилонга бориб қариндошларни топдилар. Улар билганларнинг айримлари оламдан ўтишган экан... Оталари ва оналарининг қабрларини зиёрат қилдилар. Ўша пайт Марғилоннинг Бўстон кишлоғи бугун шаҳарга қўшилиб кетибди. Мен ҳам 2008 йил феврал ойи бориб ўн кунча турдим, мамлакатимни кўрдим... Қариндошларни топдим, хурсанд бўлиб қайтдим ва ҳеч бир қийинчиликка учраганим йўқ. Бозорларни айланиб юрдим, ўзбекча гапирдим... Ҳеч ким мени Туркиядан келганимни билмади. “Хоразм ва ё Шарқий Туркистонликсиз”, деб тахмин қилишди. Мен: “Йўқ, Ўзбекистонда туғилганим йўқ ва ўзбекча тахсил олганим ҳам йўқ, фақат отам ва онамдан ўрганганман бу тилни”, дедим. Орадан кўп ўтмай, болаларим билан бордим ва бир ой турдим. Худо хоҳласа, яна бу йил боришни ният қилиб қўйганман.

Би-би-си: Сиз Туркистон, Марказий Осиё халқлари тарихини яхши биласиз, айтингчи, бугунги кун билан бундан юз йил аввалги тарихда ухшаш томонлари борми? Тарих ўзини-ўзи тақдорлаб туради дейишади-ку?

Чигатой Кўчар: Ўхшаш томонлари бор. Тарихдан сабоқ олишимиз керак. Бундан 150 йил аввал рус босқинчилари турфа найранглар билан ватанамизга бостириб киришди. Халқимиз тоза, покиза ва соддадир... Улар оврўполикларнинг найрангларига унчалар ҳам тушунишмас эди. Бу найранглардан бохабар туриш керак. У вақтларда, масалан, жадидчилик келган йиллари халқимиз ухлатилган эди. Илмга аҳамият берилмаган. Жаҳолат ҳаддан ошган эди. Жадидчилар илм нури таратаман деб кўп ҳаракат қилишган... Бугун ҳам янги мактаблар қурилоқда. Ўзбекистон дунё билан рақобат

қиламан дейдиган университет ва билим масканлари қурмоқда. Ўтмишда “газета чиқараман”, десангиз ташқи таъсир ва босим остида қолгансиз, Чор Россиясининг босими ва кейинроқ болшевиклар... Бугун Ўзбекистонда ана шу ташқи босим йўқ. Менинг назаримда, ўтмишга нисбатан Ўзбекистонда анча илгари кетиш бор...

Би-би-си: Туркистон легиони ҳақида тадқиқот олиб бораётган экансиз. Истанбулдан Зебунисо Ҳусайннинг саволлари айна шу мавзуда: “Туркистон Легиони Туркистон халқларини (ўзбек, қозоқ, қирғиз, озарбайжон каби) жамлаган бир ташкилот бўлган. Мана шу тарихий умумлашма бугун ҳам ғоявий аҳамиятини қанчалар сақлай олган?”

Чигатой Кўчар: Биласиз, уруш пайтида минглаб туркистонлик аскарлар немисларга асир тушган. Турфа қийинчиликларни бошларидан ўтказишган. Ўшанда Олмонияда бўлган Вали Қаюмхон ва Мустафо Чўқайлар асирликдаги туркистонликларни чақириб олганлар. Вали Қаюмхон лагерларга бориб, баланд қўриқчихоналарга чиқиб: “Эй, туркистонликлар, мусулмонлар бир тарафга ажралинг!” деб кичкирганлар. Кейин уларни бу ердан чиқариб, бошқа бир лагерга олиб борар ва кийиму кечак, емак билан таъминлаганлар. Бу йигитлар асир қолсалар эди, қисқа вақт ичида очлик ва сувсизликдан ўлиб кетишарди. Айримлар кўнгилли бўлиб биринчи, иккинчи, учинчи баталёнга қўшилганлар. Алал-оқибатда 180 мингга яқин легион аскарлари бўлган. Мен кўплар билан суҳбат қилганман. Худо хоҳласа, улар билан суҳбат асосида бир асар чиқармоқчиман.

Би-би-си: Тингловчиларимиздан бири: “Туркистон легионига фашистлар Олмониясига қўшилган Туркистонликларни Ўзбекистонда айрим зиёлилар хоинлар ҳам деб аташади, Сизнинг фикрингиз?” деб сўраган.

Чигатой Кўчар: Йўқ, бунга қўшилмайман, улар бир кўришса эди уларнинг урушдаги аҳволини, қийналишганини... Айтинг, агар уларни, майли, Сталинга қайтариб беришганида ва ё қайтишганида нима бўларди? Уларни ўлдиришар эди. Сталин: “Сўнги ўкни ўзингга узасан”, демагандими? Вали Қаюмхон каби раҳбарларимиз аксар аскарларимизга яшаб қолишлари учун бир воситачи бўлганлар... Уларни қандай қилиб хоин деб айтишимиз мумкин?

Би-би-си: Зебунисо яна сўраяптилар: “Туркистон легиони ҳақида сўз бўлганда Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайит, Чингиз Дағчи номлари илк бор тилга келади. Тадқиқотларингиз натижасида яна қандай номларни кашф қила олдингиз?”

Чигатой Кўчар: Эргаш ака бор... Эргаш Булоқбоши, Мақсудбек бор, қозоқлар, қирғизлар, тожиқларимиз бор. Туркистон легиони миллий кўмитасида ўн олти бўлим бўлган. Миллий адабиёт, аскарлар ва ёзувчилар иттифоқи каби бўлимлар... Улар қатор ойнома ва газетлар чиқаришган, китоблар чиқаришган... Мунаввар қорининг китобларини чоп этилди...

Би-би-си: Ўшдан Одил Махдумий эса: “Туркистон легиони ўз олдига қўйган режаларини амалга ошира олдими? Легионга аъзо бўлган инсонларнинг нечтаси ҳаёт ҳозирда?” деб ёзидилар.

(давоми 8-бетда)

Турклар кашф этган Америка...

(давоми, боши биринчи бетда)

Кўплаб тарихий манбааларда ва шу жумладан кўплаб тарих фани дарсликлариди “Американи Христофор Колумб очган” деб, алоҳида ёзиб қўйилганига қарамай, “Янги дунё” деб аталмиш бу китъани аслида ким биринчи бўлиб очгани ҳақида янги-янги далиллар келтирилмоқда ва бахслар бўлмоқда. Чунки бугунги одамзот ақлини қанча пешлаб олдинга боравермасин барибир ҳали бу дунёнинг ечилмаган муаммолар-ю, тағига етилмаган сиру- синоатлари жуда кўп.

Христофор Колумб 1492-йили ўзининг “Санта Мария” кемасида Атлантика уммонини сузиб ўтиб Америка китъасига яқин Багам ороларини топганида, “Ҳиндисонни топдим” деб тахмин қилганини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни инсоният тарихидаги энг улкан кашфиётлардан бири деб тан оламиз.

Аммо шунга қарамай скандинавиялик жасур денгизчи викинглар вакили, Гренландиянинг ўша пайтдаги ҳокими – Лейф Эриксоннинг Христофор Колумбдан беш аср илгариёқ (XI асрда) Шимолий Америка қирғоқларига ўз кемаларида сузиб борганини ва ўз командаси билан ушбу қуруқликни ўн йиллар давомида ўрганганини ҳам ҳозирги фан ва археологик тадқиқотлар аллақачон тўлақонли исботлаб бергани ҳам рост.

Бир пайтлар мени жуда ҳайратга солган нарса турк адмираллари Пири Риеснинг денгиз харитаси топилгани ҳақидаги маълумотлар бўлганини ҳам бугун нимагадир бир эслагим келди. Мен ўша харита ҳақида биринчи бор ўқиганимда, яширмайман ҳайратдан ёқа ушлаганман, бу телба дунёнинг пайдо бўлганидан бери доимий тебратиб келаётган буюк туркийзабон халқимнинг ақлу-фаросати ва қудратига тасаннолар айтганман.

Бугун мен юз фойиз ишонч билан айта оламани, Испания давлати вакили бўлиб дунёни кашф этишга уринган Христофор Колумбдан анча-анча йиллар илгариёқ уммон ортидаги Америка китъасининг мавжудлиги бизнинг туркларимизга маълум бўлгани рост экан. Усмонли турклар империясининг еврилик битганидан сўнг, турк республикаси яратилишининг дастлабки даврларида, яъни 1929 йили турк султонлари хонадонига қарашли бўлган Истанбулдаги Тўпкапи қасрини музейга айлантириш жараёнида бир харита топилади. Уни ўша қасрда сақланиб қолган тарихий ашёларни тадқиқ қилган доктор Этхем деган бир тарихчи олим топади. Ўшандан бери номи тарихий манбааларда “Пири Риес харитаси” деб айтиладиган ўша харита Султон Сулаймон хизматида бўлган машҳур турк адмираллари Ҳожи Мухиддин Пири ибн Ҳожи Меҳметга тегишли бўлган экан.

Адмирал Пири Риес ўзининг «Саёҳатнома» ёки «Китаб-и бахриё» (рус. «Книга морей») асарида нафақат Ўрта ер денгизи атрофлари, қўйинги бутун ер юзи кенгликлари бўйича ўз даврида жуда қимматли навигацион хариталар тузганлиги ва кейинчалик уларни бир китобда тўплаганлиги маълум бўлади. 1513-йили нашрдан чиққанлиги белгилаб қўйилган ушбу китобда Америка китъаси ва Бразилия, Африканинг ғарбий қирғоқларининг ойнадай равшан чизиқ қўйилганлиги эса ҳаммасидан ҳам ҳайратланарлисидир. Чунки ушбу китоб ёзилганидан бирозгина олдин Колумб Кариб хавзасидаги бир неча оролар ва китъанинг кичкина бир қисминигина ўрганиб харитага тушириб қайтган эди холос. Пири Риес харитасида чизилган бошқа ҳудудлар ҳақида Колумбда ҳали на маълумот ва на харита бор эди.

Истанбулнинг Тўпкапи саройидан топилган машҳур турк адмираллари Пири Риеснинг ўшанда топилган хариталари бугунгача дунё олимларини ҳайратга солиб келмоқда. Чунки улар шу қадар аниқки, уларни океан сузиб дунё кезган ҳар қандай сайёҳ ўша замон навигацион ускуна ва асбоблари билан бу қадар аниқ чиза олишига бугун ҳам ишонмайди. Харитада Антарктиданинг қарийиб бир милл қалинликдаги муз қатлами остида қуруқлик ҳудудлари борлиги ва улар чегарасининг белгилаб қўйилганлиги эса олимларнинг ақлига ўшанда умуман сиғмаган. Унга ишонишмаган. Чунки Антарктида Пири Риесдан 300 йил ўтибгина биринчи бор тадқиқ қилинди ва Пири Риес харитасида чизиқ қўйилган маълумотлар шу пайтга келибгина юз фойиз тасдиқланди.

Пири Риес ўз хариталарини тузганда жуда бой кутубхоналардан ва тарихий манбаалардан фойдаланганлигини ёзади, демек унчага ҳам инсоният дунё кенгликлари бўйича жуда катта илмларга эга бўлган экан, деб тушиниш мумкин.

Айниқса олимларнинг Пири Риеснинг харитаси аниқлиги бўйича фақат осмондан туриб қилинган аэросъемка маҳсулигина бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хулосалари эса ундан ҳам кизикроқдир. Ахир самолёт XX асрда яратилдику...

Америкалик хариташунос олим Хэпгуднинг фикрига кўра, “Пири Риес харитаси” деб номланган ўша харитани тузган одам Ер шари кенгликлари ўлчамларини тўла ўрганган, айниқса юза тригонометрияси бўйича мўъжизавий илмларга эга одамгина бўлиши керак эди. Демак усмонли турк султонлиги ҳарбий флотиди оддий адмирал бўлиб хизмат қилган Ҳожи Мухиддин Пири ибн Ҳожи Меҳметнинг ўз даврида инсон ақлига сиғмас даражада бундай бир иш қилиб кетгани эса улкан бир мўъжиза ва барча туркий халқлар обрўйи учун катта бир ютуқдир.

Хижратда ватан ёди

(давоми)

Чигатой Кўчар: Туркистон легиони Иккинчи Жаҳон урушида немислар мағлубиятга учраши билан тарқалиб кетди. Ўз мақсадига эриша олмади. Урушдан кейин ҳар бир давлатга ўз асирини олиб кетиш ҳуқуқига эришди. Гуржилар, озарбайжонлар... мингга яқин аскаримиз эса ғарбда қолишга муваффақ бўлди. Туркистон легионида хизматда бўлганлардан ҳозир беш нафар қолганини биламан, бошқалари эса, Оллоҳ раҳмат этсин, оламдан ўтишди...

Би-би-си: Зебунисонинг сўнги саволини ўқиб берсам: “Вали Қаюмхон тарафидан 1942 йили Олмонияда “Миллий Туркистон” журнали нашр этилган ва “Бизнинг йўл оталар йўлидар, мустақиллик йўлидир” дея баёнот билан чиққан. Олмон ҳуқуқоти легионнинг сиёсий ниятига қарши чиқмади. Нега? Аслида Олмон давлати легиончилардан ўз мақсади йўлида фойдаланмади?”

Чигатой Кўчар: Туркистон легионининг ички ишларига олмонлар аралашгани йўқ. Фақат ўз манфаатлари йўлида фойдаланган ва биз ҳам, легион ҳам фойдаланган олмонлардан... Нега? Чунки аскарларимизнинг ҳаётини сақлаб қолдик. Агар бу ташкилот тузилмаса, унда аскарларимизни болшевиклар деб ўлдиришарди, қанчаларини ўлдиришди ҳам... Агар аскарларнинг овозларини эшитсангиз, йиғлайсиз... Туркистон легиони болшевикларга қарши курашди. Олмонлар ҳам русларга қарши курашди. Агар улар енгса эди, Туркистон халқларига озодлик бериб уларни тан оламиз дейишганди, аммо бу қанчалар ҳаёт ҳақиқатига айланар эди, мен билмадим.

Би-би-си: Шўролар даврида ватанни тарк этган туркистонликларнинг катта авлоди бугун бармоқ билан санарли қолган, уларнинг бошқа ўлкаларда таваллуд топган фарзандлари, набиралари учун ота юрт тушунчаси қанчалар муҳим? Умуман, оталарининг ватанларига қизиқиш борми?

Чигатой Кўчар: Албатта қизиқиш бор, мана менинг фарзандларим: “Яна борайлик, қачон десангиз борайлик”, дейишади. Учинчи авлодда ҳам ота ватан, бобо ватанга муҳаббат сақланиб қолган. Мен болаларимга ўша ватан ишқини бердим. Биз: “Ватанимиз озод ва обод, фаровон бўлсин”, деймиз. Ташқаридаги туркистонликлар муаллим бўлса, таълим билан, санъаткор асари, савдогар моли билан ватанга ёрдам қилишга тайёр. Аммо бу ёрдамни қанчалар истайди ватандагилар... (қулади) бу бошқа масала.

Би-би-си: Чигатой ака, қизиқарли суҳбатингиз учун катта раҳмат! Би-би-си тингловчиларига тилақларингиз бўлса, марҳамат!

Чигатой Кўчар: Би-би-си тингловчиларига алангали салом. ИншоОллоҳ, ватанимиз фаровон бўлсин, халқимиз тинч бўлсин. Биз доим ватан хизмати, мамлакатга боришга тайёримиз.

ҚУЁШ БАТАРЕЯСИ ЎРНАТМОҚЧИМИСIZ?

Озодлик бу саволга жавоб олиш мақсадида Тошкентдаги қуёш батареялари ишлаб чиқариш ва ўрнатиш билан шуғулланадиган Mir Solar фирмасига мижоз сифатида қўнғироқ қилди. Ўзини фирма мутахассиси деб таништирган ходим саволларимизга жавоб берди:

Биринчи вариант: Тўрт лампочка ва бир телевизор ишлайди

- Битта телевизор ва тўртта-бешта экономний лампочкаларни ишлашини таъминлайдиган асбоб-ускуна(тўлиқ номи фотоэлектр станцияси) 4,5 миллион сўм туради, фақат пул ўтказиш, яъни перечислениега. Нақд пулга сотмаймиз, дейди мутахассис.

Иккинчи вариант: Кўпроқ энергия олмоқчи бўлсангиз, кўпроқ тўлайсиз

- Агар 4-5 лампочка ва телевизор кечаю кундуз ишлаб турсин десангиз, қўшимча панел ва аккумулятор ўрнатиш лозим. Бундай тақдирда қурилма 6,5 миллион сўмга тушади.

Аслини олганда қуёш станцияларининг нархи унинг қанча электр энергияси ишлаб чиқаришига қараб баҳоланади. Ўртача бир киловатт соат ёки 1000 ватт электр энергияси нархи ишлаб чиқаришга мўлжалланган станция ўртача 18 миллион сўм баҳоланади. Бу ёғини ўзингизнинг хоҳишингизга ва имконингизга қараб буюраверасиз, дейди мутахассис.

Учинчи вариант: Қуёш коллекторлари сувни иситиб беради

Mir Solar фирмаси мутахассисига кўра, қуёш коллекторлари ўрнатилса, хонадонни кечаю-кундуз иссиқ сув билан таъминлаш мумкин:

- Қуёшда сув иситадиган ускуна ҳам ўрнатамиз. Бу ускуна битта коллектор ва 140 литр сув кетадиган бочкадан иборат. Бу бир сутка мобайнида 500 литр сувни иситиб бериш имконига эга. Ўрнатиб беришимиз билан 2,5 миллион сўмга тушади, дейди мутахассис.

Тўртинчи вариант: Уйни иситиш қанчага тушади?

Mir Solar фирмаси мутахассиси уйни иситиш учун ҳам қуёш батареялари ўрнатиш мумкинлигини айтар экан, бироқ бу қурилма қанчага тушиши ҳақидаги саволни очикламади:

- Иситиш анча қимматга тушади. Буни ҳозир мен аниқ айта олмаيمان. Бунинг учун, уйни кўриш, квадрат метрини аниқлаш ва уни совуқдан қанча ҳимояланганини билиш (пахса девор, ғишт девор) керак, дейди мутахассис.

Кафолат

- Асбоб-ускуналарга 2 йил, томга қўйиладиган панелга эса 15 йил гарантия берамиз. Биз ҳаммасини ўзимиз ўрнатиб, ишлатиб берамиз. Фақат ускуналарнинг транспортировкаси мижознинг бўйида бўлади, дейди Mir Solar фирмаси мутахассиси.

ШУКРОНА

(9-феврал буюк Навоий туғилган кун)

Шукр дейман: бундан роса беш юз йил аввал Навоийни яратибди тақдири азал.

Магар бизнинг асримизда туғилсайди у, Буюк бошин емирадди, эҳтимол, қайгу.

Сўзсиз, қолиб кетар эди, шеърлари дилда, Отиларди машъум ўттиз еттинчи йилда.

Балки, Усмон Носир янглиғ тортганча афгон Қўлда кишан армон билан берар эди жон.

Тайр тилин ўқий деса шоири имон, Аҳли нокас тутқазарди кўлига кетмон.

Ҳамса битмок ўрнига ҳам бошида ошуб, Ўтар эди мустабидлар билан олишиб.

Золимларнинг тўкмоғидан бўларди талқон. Балки, тубан шоирчалар қўймасди омон.

Ё чойчака тополмасдан мен каби пурғам, Шеър ёзиш йўқ, мол боқарди шоири олам.

Балки, умри зиндонларда ўтган бўларди. Балки, Орол бўйларида рақдан ўларди.

Шукур дейман: бу кун эмас, беш юз йил аввал Навоийни яратибди тақдири азал.

1988 йил

Ю. Туркистоний

МАКТАБ ДИРЕКТОРИНИНГ ТАШВИШИ

– Мана бугун тонг-сахар, яна бўлди қўнғироқ, Шундай қўнғироқлардан, тоқатларим бўлди ток.

Тайёр туринг, эртадан бўлар эмиш текширув, Бу дегани маошнинг тагига куйилди сув.

Яна шивир-шивиру, яна чоп-чоп бошланар, Аччиқ гап, қарғишлардан яна кўнгиш ғашланар.

Аммо қандоқ қиламиз, қутмасдан йўқ чорамиз, Ахир улар “КАТТА”да, бўйин эгиб борамиз.

Ўйланг дўппини олиб, ишлатинглар мияни, Шод-хуррам жўнатайлик, ушбу комиссияни.

Раҳбар бўлганим сабаб, бир режа туздим ўзим, Тингланг, чора кўрайлик, сизларга берсин тўзим:

Чою-нонни юкласак “мехнат”чи оммасига, Ош қилишни топширсак “химик”лар зиммасига.

Ишингларга “беш” баҳо, унутмаймиз “физ-мат”ни, Сизлар қойил қиласиз, чойхонада хизматни.

“Тил”чилар келтиришса, хўл-у, қуруқ мевани, “Физкультура” бажарса, “бензин” деган темани.

Бошқа фанлар ҳозирча “резерв”да тура-стурсин, Ойда бир келадиган комиссияси қурсин!

Султон ЙЎЛДОШ

ТУРКИСТОН ТОНГИ

Ижтимоий-
сиёсий, илмий,
адабий - публицистик
газета

Бас редактор
С. Байдуллаев
Редактор орынбасары
Б. Нарбаев



ЖАМОАТ КЕНГАШИ

Б. Исабеков,
Р. Бегалиев,
М. Мансур,
С. Акрам,
И. Туркий,
Д. Сайфуллаев...

Таҳририят манзили: Чимкент шаҳри, Интимоқ микрорайони, 1-уч. Тел.: 8(7252)292587. +77711435558

Мулк эгаси: Яқка тадбиркор «С.Байдуллаев». Қозоғистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирлиги, Ахборот ва архив қўмитаси, даврий босма нашрларни ва Ахборот агентликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли, 2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.

Адади: 2000 дона. «М-press» босмахонаси (Шыкмент ш. Байтурсунов-18) да чоп этилди. Буюртма №. Таралиш ҳудуди: Қозоғистон Республикаси. Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

БУНА ИНДЕКСИ: 64502

1. Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри билан айнан бўлмаслиги мумкин.

2. Барча муаллифлик ҳуқуқлари Қозоғистон Республикаси қонунлари билан ҳимояланган.

3. Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги»да миллатлараро дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.

4. Ўқувчиларимиз маънавияти бойлигини ҳисобга олиб, саҳифалардан ножоиз жойларда фойдаланмаслигига умид қиламиз.

5. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар «Туркистон Тонги»дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.